

**“ТАСДИКЛАЙМАН”**

Тошкент давлат аграр университети  
Термиз филиали директори  
Ч.Р.Бегимкулов

“ 28 ” 11 2017 йил

**“ Академик таътилга чиқиш учун ариза бериш” интерактив  
хизматининг регламенти**

**1. Хизмат таърифи**

**1.1 Хизмат номланиши**

Қисқа номи: “Академик таътилга чиқиш учун ариза бериш”  
Кенайтирилган номи: Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали  
(Кейинги ўринларда - Университет) расмий сайти орқали “Академик таътилга  
чиқиш учун ариза бериш”.

**1.2 Хизмат натижаси**

1-4 босқич талабалари ва 1-2 босқич магистрларидан академик таътилга  
чиқиш бўйича университет директори номига электрон тарзда ариза қабул  
қилиш.

**1.3 Хизмат кўрсатувчи**

Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали

**1.4 Ҳуқуқий асослар**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва  
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Ўзбекистон  
Республикаси Олий таълим муассасалари талабаларга академик таътил бериш  
тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори;

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 4  
сентябрда рўйатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2138]

**1.5 Талабалардан қуйидаги ҳолатлар учун аризалар қабул қилинади:**

- ҳарбий хизматни ўташ учун;
- саломатлигини тиклаш учун;
- хомиладорлик ва туғиш учун;
- болаларни парвариш қилиш учун.

## 1.6 Ариза бериш муддатлари

Талабалар ўқув йилининг ҳар қандай қисмида университет директори номига академик таътилга чиқиш учун электрон ариза орқали мурожаат қилиши мумкин.

Академик таътил ўқув йилининг ҳар қандай қисмида, қуйидаги муддатларга берилади:

ҳарбий хизматни ўташ учун - конун ҳужжатларида белгиланган ҳарбий хизматни ўташ муддатига:

саломатлигини тиклаш учун - 12 ой муддатгача:

хомиладорлик ва туғиш, шунингдек болаларни тарбия қилиш учун – конун ҳужжатларида белгиланган хомиладорлик ва туғиш, шунингдек болаларни парвариш қилиш таътиллари муддатига.

## 1.7 Бажариш муддатлари

Жавоб бериш: 7 кун

## 2. Хизматдан фойдаланувчини хабардор қилиш

### 2.1 Маълумот таркиби ва ҳажми

Мурожаат этган аризачига қуйидаги маълумотлар берилади:

- хизмат кўрсатувчи органнинг жойлашган жойи, иш таркиби, мурожаатларни кўриб чиқиш шартлари ва таркиби ҳақидаги маълумот;
- хизматдан фойдаланиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати;
- хизматдан фойдаланиш муддатлари;
- хизмат кўрсатиш низоми ҳақидаги маълумот

### 2.2 Батафсил маълумот олиш

“Академик таътилга чиқиш учун ариза бериш” хизмати тўғрисида батафсил маълумотни университетнинг расмий сайти орқали олиш мумкин.

### 2.3 Хизмат кўрсатиш манзили ҳақида маълумот олиш

191200 Сурхондарё вилояти Термиз тумани Лимонзор қишлоғи “Янгиобод” маҳалласи Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали.

### 3.1 Иш вақтлари

Хизмат кўрсатувчининг иш вақти: Душанба-Шанба соат 08<sup>00</sup>дан 17<sup>00</sup>гача

### 3.2 Мурожаат жаволарини кутиш вақтлари

7 кун

## 4. Хизмат кўрсатиш тартиби

### 4.1 Зарур бўлган хужжатлар

- саломатлигини тиклаш, хомиладорлик ва туғиш, шунингдек болаларни парварш қилиш учун академик таътил олишни сўраб мурожаат қилган талабанинг аризасига талаба доимий тиббий назоратда турган тиббиёт муассасаси комиссиясининг хулосаси, ҳарбий хизматни ўташ учун академик таътил олиши сўраб мурожаат қилган талабанинг аризасига тегишли туман (шаҳар) мудофа ишлари органларининг талабини ҳарбий хизматга чақириш ҳақидаги чакирув қоғози илова қилиниши лозим;

- ЭРИ (электрон рақамли имзо);
- Жисмоний шахсниг идентификацион рақами (ПИНФЛ).

### 4.2. Хизмат тўлови:

Бепул

### 4.3 Хизмат кўрсатиш босқичлари.

Университетнинг расмий сайти орқали хизмат кўрсатиш босқичлари:

- id.gov.uz орқали рўйхатдан ўтилади ва тизимга киритилади.
- “Интерактив хизматлар” бўлиmidан “Академик таътилга чиқиш учун ариза бериш” хизмати танланади;
- факултет, йўналиш (мутахасислик) босқичи (1-4) ва талаба таълим олаётган гуруҳ танланади;
- талабанинг шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ) киритилади;
- керакли хужжатларнинг электрон нусхалари илова қилинади;
- оммавий оферта билан танишганлик тасдикланиб, “Электрон рақамли имзо юбориш” функцияси танланади ва ариза юборилади.

### 4.4 Хизмат кўрсатишнинг ички идоравий жараёни

1. Маъсул ходим мурожаат қилувчининг электрон почта манзилига ариза қабул қилинганлиги тўғрисидаги хабарни юборади.

2. Маъсул ходим университетнинг “Академик таътилга чиққан талабалар” маълумотлар базасига мурожаат этган талаба ҳақидаги маълумотларни киритади (ушбу маълумотларда талабанинг академик таътилга чиқиш санаси, академик таътилдан қайтиш санаси, қайтгандан сўнг ўқийдиган курси кўрсатилади).

3. Аризага рад жавоби берилса, рад этиш учун асослар мурожаат қилувчига юборилади.

4. Талаба академик таътилга чиқиш бўйича электрон ариза қабул қилганлиги ҳақидаги хабарни олгандан кейин, илова қилинган хужжатларнинг асл нусхасини 3 (уч) кун ичида университетга тақдим қилиши шарт.

#### 4.5. Рад этиш сабаблари

- ариза шакли нотўғри ёки тўлиқ тўлдирилмаган бўлса;
- талаба талабалар сафидан четлатилган бўлса;
- талабанинг шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ) нотўғри киритилса;

“КИРИТИЛДИ”

Тошкент давлат аграр университети  
Термиз филиали Мониторинг ва ички  
назорат бўлими бошлиғи

Б.Норматов

“ 24 ” ноябр 2017 йил

“КЕЛИШИЛДИ”

Тошкент давлат аграр университети  
Термиз филиали Ахборот  
технологиялари маркази бошлиғи

Н.Бойсунов

“ 24 ” ноябр 2017 йил